

**ОГИЗ БҮШЛИГИ ЮМШОҚ ТҮҚИМАЛАРИ  
ШИКАСТЛАНГАН КИЧИК МАКТАБ БОЛАЛАРИДА  
СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР УЧРАШ ДАРАЖАСИ**

**Эшмаматов И.А. Сувонов К.Ж. Эшонқулов Ш.Б.**

**АННОТАЦИЯ**

Болалар орасида оғиз бүшлиги шиллик қавати касаллуклари, айниқса юмшоқ түқималар шикастланишлари күплаб учраши билан биргаликда асоратлар қолдириши билан ҳам фарқланади. Бу ҳолат айниқса, кичик мактаб ёшидаги болалар учун долзарб бўлиб, уларда бу стоматологик патологик ҳолатга олиб келувчи хавф омилларининг кўплиги билан ажралиб туради.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ушбу патологияларни ўрганиш ва олинган натижалар асосида асосли хulosалар қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, стоматологик саломатликни баҳолаш учун хизмат қиласи.

Ушбу патология аниқланган болалар орасида стоматологик касаллуклар учраш динамикасининг таҳлили асосий касалликни даволаш ва асоратлар қолиши олдини олишда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Бошқа касаллуклар асосий касаллик кечишини ўзгартириб, даволаш тадбирларини белгилашда янгича ёндошишни талаб этади. Шу мақсадда стоматологик статусни баҳолашда оғиз бүшлиги юмшоқ түқималари шикастланишлари (ОБЮТШ) билан бир қаторда оғиз бүшлигидаги бошқа касаллуклар учраш даражасига ҳам эътибор қаратиб, комплекс текшириш ўтказиш зарур.

**Калит сузлар:** ОБЮТШ, болаларда, стоматологик статусни, кимёвий таъсир, механик таъсир.

Оғиз бүшлиги юмшоқ түқималарида шикастланишлар (ОБЮТШ) аниқланган болалар орасида стоматологик касаллуклар учраш динамикасининг таҳлили асосий касалликни даволаш ва асоратлар қолиши олдини олишда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Бошқа касаллуклар асосий касаллик кечишини ўзгартириб, даволаш тадбирларини белгилашда янгича ёндошишни талаб этади. Шу мақсадда стоматологик статусни баҳолашда оғиз бүшлиги юмшоқ түқималари шикастланишлари билан бир қаторда оғиз бүшлигидаги бошқа касаллуклар учраш даражасига ҳам эътибор қаратиб, комплекс текшириш ўтказиш зарур.

Шу муносабат билан кичик мактаб ёшидаги болаларда (6-11 ёш) ОБЮТШ фонида уларда учраган бошқа стоматологик касаллуклар учраш даражаси

ўрганилди. Олинган натижалар ҳаққонийлигига эришиш мақсадида барча болалар, шу жумладан назорат гурухига киритилган соғлом болалар стоматологик статуси бир вақтнинг ўзида ва бир хил шароитда ўрганилди..

Бунинг учун тадқиқотларга жалб этилган барча кичик мактаб ёшидаги болалар (n=184) учта гурухга бўлинди:

Биринчи гурух - ўткир ҳолатдаги кимёвий таъсир натижасида келиб чиққан ОБЮТШ ташҳисланган 6-11 ёшли болалар, n=52;

Иккинчи гурух - сурункали ҳолатдаги механик таъсир натижасида келиб чиққан ОБЮТШ ташҳисланган 6-11 ёшли болалар, n=77;

Учинчи гурух (назорат гурухи) - ОБЮТШ қузатилмаган, стоматологик саломатлиги ўзгармаган 6-11 ёшли болалар, n=55.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ОБЮТШ ташҳисланган ва ташҳисланмаган болалар гурухлари орасида стоматологик касалликлар учраш даражаси бўйича ўзига хос хусусиятлар аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари шикастланиши кузатилган болаларда асосий стоматологик касалликлар аниқланиш даражаси

Гурухлар	Стоматологик касалликлар					
	Тиш кариеси		Гингивит		Пародонтит	
	Мут	%	Мут	%	Мут	%
1-гурух, n=52	37	71,15±6,28*	3	5,77±3,23*	1	1,92±1,90
2-гурух, n=77	59	76,62±4,82*	6	7,79±3,05*	3	3,90±2,21
3-гурух, n=55	28	50,91±6,74	1	1,82±1,80	0	0

Эслатма: \* - 3-гурух (назорат) кўрсаткичларидан ишонарли фарқ белгиси.

Стоматологик касалликлар орасида кенг тарқалган нозологик бирлик бу тиш кариеси бўлиб, аҳолининг барча қатламларида учрайди. Унинг сабаблари кўп бўлиб, мультифакторли патологик ҳолат сифатида талқин қилинади. Аниқланишича, ушбу касаллик шаклланиши ва ривожланишида кўплаб ташқи омиллар билан бирга ички омиллар ҳам муҳим ўрин тутади. Улар қаторига оғиз бўшлиғи маҳаллий резистентлик омиллари ва меъёрий микрофлоранинг меъёрда бўлиши (индиген ва факультатив микроорганизмларнинг бир бири билан мувозанатда бўлиши), яъни ўрганилаётган контингентда дисбиоз аломатлари кузатилмаганлиги киради.

Оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари шикастланиши кузатилган болаларда, қандай сабаб ушбу ҳолатни келтириб чиқарганидан қатъий назар, тиш кариеси

аниқланиш даражаси назорат гурухи кўрсаткичларидан ишонарли даражада юқори бўлганлиги кузатилди ( $P<0,05$ ).

Рақамларга мурожаат қиласиган бўлсак, биринчи ва иккинчи гурухларда тиш кариесининг учраш даражаси мос равища үртacha  $71,15\pm6,28\%$  ( $n=37$ ) ва  $76,62\pm4,82\%$  ни ( $n=59$ ) ташкил этиб, назорат гурухи параметрларидан ( $50,91\pm6,74\%$ ,  $n=28$ ) мос равища 1,40 ва 1,51 мартага ишонарли даражада қўп учрагани аниқланди ( $P<0,05$ ). Агар юмшоқ тўқима шикастланишларининг қисқа вақт давом этишини ҳисобга олсак, тиш кариеси учраш фоизининг ошишига таъсирини тушунтириш қийин бўлади, аммо, механик ва кимёвий шикастланишларнинг травматик таъсир билан биргалиқда оғиз бўшлиғи ҳолатига салбий таъсирини ҳисобга олсак, ушбу нозологик бирлик шаклланишига билвосита таъсири борлигини кўрамиз. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, оғиз бўшлиғига бўладиган шикастланиш таъсири маълум муддатгача давом этади ва ушбу ҳолат шаклланиши билан бир қаторда унинг тез ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Демак, ОБЮТШ кузатилган болалар стоматологик саломатликларини ўргангандаридан мутахассислар шу патологик ҳолат билан бирга ошиб бориши эҳтимоли юқори бўлган тиш кариесини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Тиш кариеси билан бир қаторда гингивит (тиш-милк бирлашмасининг бутунлиги бузилмаган ҳолда милклар яллиғланиши) учраш даражасида ҳам ўзгаришлар тенденцияси юқоридагига ўхшаш бўлди, аммо фарқи уларнинг аниқланиш интенсивлигига бўлди. Агар биринчи ва иккинчи гурухларда ушбу нозологик бирликнинг аниқланиши үртacha  $5,77\pm3,23\%$  ( $n=3$ ) ва  $7,79\pm3,05\%$  ни ( $n=6$ ) ташкил этган бўлса, назорат гуруҳида бу параметр 1 нафар соғлом болада ( $1,82\pm1,80\%$ ) аниқланди - орадаги тафовут 3,17 ва 4,28 мартани ташкил этгани ҳолда, олинган натижалар ишонарли бўлди ( $P<0,05$ ).

Аммо, шуни таъкидлаш жоизки, келтирилган рақамлар жуда кичик бўлиб, ҳаққоний натижалар олиш ва асосли хулосалар қилиш имконини бермайди. Шу сабабли ОБЮТШ нинг бемор болаларда гингивит учраш даражасини ошириши тўғрисида хулсалар қилишнинг иложи йўқ, факатгина ушбу касаллик учраш даражасининг асосий гурух болаларида қўпайганини қайд қиласиз, холос. Худди шундай ҳолатни бемор болалардагина аниқланган пародонтит мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Шундай қилиб, ОБЮТШ кузатилган болаларда тиш кариесининг назорат гурухига нисбатан мос равища 1,40 ва 1,51 мартага ишонарли даражада ошганлиги кузатилди ( $P<0,05$ ), бу ҳолат ўрганилаётган патологиянинг билвосита таъсири билан изоҳланди. Шунга ўхшаш ҳолат гингивит ва пародонтит

нозологик бирликлари бўйича ҳам кузатилиб, юқоридагига ўхшаш тенденция сақланиб қолди.

Кариес тарқалганлиги билан бир қаторда ушбу патология тарқалганлик индекси ҳам ўрганилди. Кариес интенсивлиги бу битта текширилувчига тўғри келадиган заарланган, пломбаланган ва олиб ташланган тишлар сонидир. Аниқланишича, кариес интенсивлиги даражаси қуидаги мезонлар бўйича баҳоланади (барча ёш гуруҳларига таалуқли):

- 0,14 га тенг ёки ундан кам - паст интенсивлик;
- 0,15 - 0,30 - ўртача интенсивлик;
- 0,31 - 0,60 - юқори интенсивлик;
- 0,61 га тенг ва ундан кўп - ўта юқори интенсивлик.

Болаларда кариес интенсивлиги кп индекси билан ҳисбланишини ҳисобга олиб, ўрганилган бемор ва назорат гуруҳи болаларида қиёсий таҳлил ўтказилди ҳамда унинг натижалари 2-жадвал қўринишида келтирилди.

Бемор ва соғлом болалар стоматологик статусини ўрганиш давомида улардаги тиш кариеси интенсивлиги кўрсаткичлари юқорида келтирилган мезонлар асосида баҳоланди.

## 2-жадвал

### Оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари шикастланиши билан оғриган бемор болаларда кариес интенсивлиги (КПУ+кп индекси) кўрсатгичлари

Тадқиқот гуруҳлари	Ёш гуруҳлари	
	6-8 ёш	9-11 ёш
1-гуруҳ, n=52	2,40±0,07	4,85±0,08*
2-гуруҳ, n=77	2,60±0,09	3,94±0,06*
3-гуруҳ, n=55	1,45±0,05	1,64±0,05*

Эслатма: \* - 6-8 ёшли болалар кўрсаткичларидан ишонарли фарқ белгиси.

Ҳар бир боланинг ёшига мос индивидуал интенсивлик кўрсаткичлари аниқланди, кейин улар статистик таҳлил ёрдамида умумлаштирилган ҳолда келтирилди. Тиш кариеси интенсивлиги параметрлари болаларнинг ёши билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли олинган натижаларни ўрганилган кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ёш гуруҳларига (6-8 ёш ва 9-11 ёш) мос ҳолда келтиришни лозим топдик.


Келтирилган 2-жадвалдан қўриниб турибдики, ҳар учала ўрганилган ва қиёсланган гуруҳларда кариес интенсивлиги параметри 9-11 ёшли болаларда 6-8 ёшли болаларга нисбатан ишонарли даражада юқори бўлган. Биринчи гуруҳда кариес интенсивлиги кўрсаткичлари ёшга мос ҳолда  $2,40\pm0,07$  бирлик ва

$4,85 \pm 0,08$  бирликка тенг бўлган бўлса ( $2,02$  марталик фарқ  $9-11$  ёшли болалар фойдасига -  $P < 0,001$ ), иккинчи гуруҳда ҳам шунга ўхшаш тенденция кузатилди - мос равища ёшга мос ҳолда  $2,60 \pm 0,09$  бирлик ва  $3,94 \pm 0,06$  бирлик ( $1,52$  марталик фарқ  $9-11$  ёшли болалар фойдасига -  $P < 0,05$ ).

Эътиборли жиҳати шуки, назорат гуруҳига мансуб соғлом болаларда ҳам шундай тенденция сақланиб қолган - мос равища 6-8 ёшлиларда  $1,45 \pm 0,05$  бирлик ва  $9-11$  ёшлиларда  $1,64 \pm 0,05$  бирлик ( $1,13$  марталик фарқ  $9-11$  ёшли болалар фойдасига -  $P < 0,05$ ).

Юқоридаги маълумотлардан қўриниб турибдики, кариес интенсивлиги болалар орасида ёшга боғлиқ ҳолда, оғиз бўшлиғида патологик ҳолат бор ёки йўқлигидан қатъий назар (шу жумладан, ОБЮТШ), ошиб борган, бу ҳолат соғлом болалар гуруҳида ҳам яққол кўринган.

Олинган натижалар таҳлили шуни қўрсатдики, ОБЮТШ кариес интенсивлигини қучайтирувчи триггер вазифасини бажарган ва бемор болаларда ушбу қўрсаткичнинг юқори бўлишини таъминлаган. Бу ҳолат ёш гуруҳлари орасидаги фарқлар нисбатини кузатганимизда янада аён бўлди (1-расм)




**1-расм. ОБЮТШ ташҳисланган болаларда кариес интенсивлиги параметрининг  $9-11$  ёшли болаларда  $6-8$  ёшли болаларга нисбатан фарқлар нисбати, марта**

Кўриниб турибдики, кариес интенсивлиги бўйича яққол устунлик  $9-11$  ёшли болаларда бўлган.

Шуниси эътиборлики, барча ўрганилган 129 нафар ОБЮТШ кузатилган болаларнинг барчасида (100,0%) кариес интенсивлиги “ўта юқори интенсивлик” мезони доирасида бўлди. Назорат гурухида ( $n=55$ ) бўлса, бу параметр бироз фарқ қилди - “ўта юқори интенсивлик” мезони доирасида 32 нафар ( $58,18\pm6,65\%$ ) болалар кўрсаткичлари тўғри келган бўлса, “юқори интенсивлик” мезонига 20 нафар ( $36,36\pm6,49\%$ ) болалар параметрлари мос келди, фақатгина 3 нафар ( $5,45\pm3,06\%$ ) болада “ўртacha интенсивлик” мезонига мос келди. “Паст интенсивлик” биронта болада ҳам аниқланмади (3.2-расм).

Ушбу мезонлар бўйича аниқланиш даражаси бўйича ҳам ҳар иккала гурух bemor болалари кўрсаткичлари назорат параметрларидан ишонарли юқори эканлиги аниқланди ( $P<0,05$ ).



**2-расм. ОБЮТШ кузатилган болаларда кариес интенсивлиги параметрларининг қиёсий параметрлари, %**

Шундай қилиб, ОБЮТШ ташҳисланган bemor болаларда кариес интенсивлиги кўрсаткичларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар учала қиёсланган гурухларда кариес интенсивлиги параметри 9-11 ёшли болаларда 6-8 ёшли болаларга нисбатан ишонарли даражада юқори бўлган. Биринчи гурухда кариес интенсивлиги кўрсаткичлари 9-11 ёшли болаларда 6-8 ёшиларга нисбатан 2,02 марта, иккинчи гурухда бўлса 1,52 марта статистик жиҳатдан аҳамиятли юқори бўлди ( $P<0,05$ ). Назорат гурухида ҳам шундай тенденция сақланиб қолди (1,13 марталик фарқ -  $P<0,05$ ). ОБЮТШ кариес интенсивлигини

кучайтирувчи триггер вазифасини бажарган ва бемор болаларда ушбу кўрсаткичнинг юқори бўлишини таъминлаган. Барча ўрганилган 129 нафар ОБЮТШ кузатилган болаларнинг барчасида (100,0%) кариес интенсивлиги “ўта юқори интенсивлик” мезони доирасида бўлди. Назорат гуруҳида ( $n=55$ ) бўлса, бу параметр бироз фарқ қилди - “ўта юқори интенсивлик” мезони доирасида 58,18% болаларда, “юқори интенсивлик” 36,36%, “ўртacha интенсивлик” 5,45% болаларда учради, “паст интенсивлик” биронта болада ҳам аниқланмади. Ушбу мезонлар бўйича аниқланиш даражаси бўйича ҳам ҳар иккала гуруҳ бемор болалари кўрсаткичлари назорат параметрларидан ишоанарли юқори эканлиги аниқланди ( $P<0,05$ ).

## ХУЛОСА

Оғиз бўшлиғи юмшоқ тўқималари кимёвий шикастланиши билан оғриган болаларда назорат гурухига нисбатдан 1,40 ва сурункали механик жароҳатли болаларда 1,51 марта қўп тиш кариеси билан касалланганлиги аниқланди, бу ҳолат ўрганилаётган патологиянинг билвосита таъсири билан изоҳланди. Шунга ўхшаш ҳолат гингивит ва пародонтит нозологик бирликлари бўйича ҳам кузатилиб, юқоридагига ўхшаш тенденция сақланиб қолди. ОБЮТШ оғриган 9-11 ёшли болаларда кариес интенсивлиги бўйича яққол устунликда кузатилди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Аверьянов С.В., Хайрзаманова К.А., Казакова М.А. Распространенность травматических поражений слизистой полости рта при ортодонтическом лечении // Стоматология детского возраста и профилактика. - 2017. - № 2. - С.76-79.
2. Аветисян Л.А., Мартынова Н.А., Михайлова Л.С., Бакиева К.М. Распространенность основных стоматологических заболеваний у детей с сочетанной общесоматической патологией // Бюллетень медицинских интернет-конференций. - 2014. - № 12. - С.1363-1364.
3. Атежанов Д.О., Супеев Т.К. Взаимосвязь соматической патологии и стоматологических заболеваний у детей, меры профилактики и лечения // Бюллетень науки и практики. - 2019. - № 8. - С.56-65.
4. Атежанов Д.О. Уровень стоматологического здоровья детей с соматической патологией // Вестник АГИУВ. - 2016. - №4. - С.66-70.
5. Бабаджанов Ж.Б., Шарапова П.П. Патофизиологические основы нарушения состояния пародонта при различных соматических заболеваниях // Stomatologiya. - 2019. - № 2. - С.72-75.
6. De Rossi S.S., Ciarrocca K. Oral lichen planus and lichenoid mucositis // Dent. Clin. North Am. - 2014. - Vol. 58, N 2. - P.299-313.

7. Dos Santos R.R., Nayme J.G., Garbin A.J., Saliba N., Garbin C.A., Moimaz S.A. Prevalence of malocclusion and related oral habits in 5- to 6year-old children // Oral Health Prev Dent. - 2012. - N 10. - P.311-318.
8. Gorsky M. The effect of retinoids on premalignant oral lesions: focus on topical therapy / M. Gorsky, J.B. Epstein // Cancer. - 2002. - 95. - P.1258- 1264.
9. Gualerzi A., Sciarabba M., Tartaglia G. Acute effects of cigarette smoke on three-dimensional cultures of normal human oral mucosa // Inhal Toxicol. - 2012. - N 24(6). - P.382-389.
10. Ismail S.B., Kumar S.K., Zain R.B. Oral lichen planus and lichenoid reactions: etiopathogenesis, diagnosis, management and malignant transformation // J Oral Sci. - 2007. - N 49. - P.89-106.